

**ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Fil.05.02
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ҚЎҚОН ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

РАҲИМОВА МАФТУНА ОДИЛОВНА

СЎЗНИНГ БЕЛГИЛИК МУАММОЛАРИ

10.00.11 – Тил назарияси. Амалий ва компьютер лингвистикаси

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Фарғона – 2019

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертация
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
филологическим наукам**

Contents of Dissertation

Abstract of the Doctor of Philosophy (PhD) in Philologysciences

Раҳимова Мафтуна Одиловна

Сўзнинг белгилик муаммолари..... 3

Раҳимова Мафтуна Одиловна

Проблемы знаковости слова..... 23

Rakhimova Maftuna Odilovna

Sign problems of word..... 43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 47

**ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Fil.05.02
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ҚЎҚОН ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

РАҲИМОВА МАФТУНА ОДИЛОВНА

СЎЗНИНГ БЕЛГИЛИК МУАММОЛАРИ

10.00.11 – Тил назарияси. Амалий ва компьютер лингвистикаси

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Фарғона – 2019

Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2018.3.PhD/Fil638 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Қўқон давлат педагогика институти ўзбек тили кафедрасида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Фарғона давлат университети веб-сайти (www.fdu.uz) ҳамда «ZiyoNET» ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Одилов Ёрқинжон Рахмоналиевич филология фанлари доктори
Расмий оппонентлар:	Бердалиев Абдували филология фанлари доктори, профессор Раҳимов Усмонжон Эргашевич филология фанлари номзоди, доцент
Етакчи ташкилот:	Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети

Диссертация ҳимояси Фарғона давлат университети ҳузуридаги филология фанлари бўйича илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.Fil.05.02 рақамли Илмий кенгашнинг «___» _____ 2019 йил соат___ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100151, Фарғона шаҳри, Мураббийлар кўчаси, 19-уй. Тел.: (99873) 244-66-02; факс: (99873) 244-44-01; e-mail: info@fdu.uz).

Диссертация билан Фарғона давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100151, Фарғона шаҳри, Мураббийлар кўчаси, 19-уй. Тел.: (99873) 244-71-28

Диссертация автореферати 2019 йил «___» _____ кунни тарқатилди.
(2018 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси)

М.Х.Ҳакимов
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
раиси, филология фанлари доктори

М.Т.Зокиров
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
илмий котиби, филол.ф.н., доцент

С. Мўминов
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси,
филол.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон тилшунослигида янги йўналишдаги антропоцентрик фанлар сирасига кирувчи лингвосемиотиканинг лексикосемиотика соҳаси ривожланмоқда. Лексикосемиотика сўз ва фразеологик бирликларнинг белгилик хусусиятларини ўрганади. Сўзнинг белгилик муаммоларини лексикосемиотик жихатдан тадқиқ этишнинг ўзига хослиги шундаки, унда лисоний белги билан боғлиқ бўлган инсон омилига, хусусан, тил белгисини қўллашга бўлган эҳтиёж, нутқ товушларидан лексик белги ҳосил қилиш, белги юбориш ва уни қабул қилиш имкониятлари, талаблари каби экстралингвистик омилларга катта эътибор берилади.

Дунё тилшунослигида сўзнинг белгили табиати масалалари бўйича билатералистик, монологистик каби йўналишларда тадқиқотлар олиб борилаётган бўлса ҳам, қўтилган натижаларга эришилаётгани йўқ. Бунинг сабаби уларда сўз яратилиши ва қўлланиши билан боғлиқ экстралингвистик омиллар етарли даражада ҳисобга олинмаганлигидир. Ҳозирги антропоцентрик тилшуносликда тил бирликларининг шаклланиши ва қўлланиши билан боғлиқ ташқи омилларга жиддий эътибор берилаётганлиги учун унда сўзнинг белгилик муаммолари тадқиқи бўйича катта муваффақиятларга эришиш имконияти мавжуд. Бугунги антропоцентризм методологиясига эга бўлган тилшуносликда тилнинг белгилар тизими эканлиги, лисоний бирликларнинг шакл ва мазмун томонларида белгиликнинг воқеланиши, лисоний қобилят ва фаолият, тилда субъективлик ва объективлик каби масалалар бўйича тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Ўзбек тилшунослигида сўзнинг белгилик муаммолари бўйича муайян даражада илмий изланишлар олиб борилмоқда. Хусусан, сўзнинг белгилиги ҳақидаги билатералистик, монологистик каби назарияларга муносабат билдирилиб, уларни мукаммаллаштиришга ҳаракат қилинмоқда, фоносемантик, фоностилистик тадқиқотлар йўлга қўйилмоқда. Шундай бўлса ҳам, муаммо қониқарли даражада ҳал этилмаган. Буни ўзбек тили лексикологиясига оид академиклар, дарслик, қўлланмаларда ўзбек тили сўзларининг белгили табиати ҳақида муфассал маълумотларнинг мавжуд эмаслигидан ҳам билса бўлади. Бу ҳолат сўзнинг семиотик хусусиятлари тадқиқотларига эҳтиёжнинг катта эканлигини кўрсатади. Муаммони атрофлича ва тўлиқ ҳал этиш учун унга янгича, инновацион ёндашиш талаб этилади. Зотан, “Инновация – бу келажак дегани. Биз буюк келажакимизни барпо этишни бугундан бошлайдиган бўлсак, уни айнан инновацион ғоялар, инновацион ёндашув асосида бошлашимиз керак”¹. Шу нуқтаи назардан қаралганда, лексик белгининг семиотик тизимда тутган ўрнини аниқлаш,

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси // Халқ сўзи, 2017, 27 декабрь. – Б. 1-5

сўзнинг белгили табиатини чуқур ўрганиш тилшунослик учун муҳим аҳамият касб этади. Бу ушбу диссертациянинг долзарблигини белгилайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида», 2017 йил 16 февралдаги ПФ-4958-сон «Олий ўқув юртидан кейинги таълимни янада такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармонлари, 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 22 майдаги ВМҚ-304-сон «Олий ўқув юртидан кейинги таълим тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти ҳам муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Сўзнинг белгили табиати билан дастлаб антик давр натуралистик фалсафасида қизиқилган². Шундан кейинги даврларда белги ва сўзнинг белгилиги масалаларига, фалсафадан ташқари, мантик, психология, риторика, этнография, лингвистика, логика, математика³ каби фанларда ҳам эътибор берилган бошлаган.

XIX асрнинг охирларидан XX асрнинг 30-йилларига қадар бўлган даврда белгилар ҳақидаги махсус фан – семиотика (белгишунослик) шакллана бошлади. Сўзнинг белгилиги ҳақида ҳам жиддий тадқиқотлар вужудга келди. Бунда Ч. С. Пирс ва Ч. У. Морриснинг хизмати каттадир⁴.

XX асрнинг биринчи чорагида Фердинанд де Соссюр томонидан биринчи марта сўзнинг белгилиги ҳақида лингвистик назария яратилди⁵. Шу муносабат билан сўзнинг белгили табиати ҳақидаги билатериалистик назария вужудга келди. Бу назарияни Б. Рассел, Ж.Вандриес, Э.Сепир, Л.Ельмслев, Л.Блумфильд, Л.С.Виготский, Б.А.Серебренников, А.Нурмонов каби

²Усмонов С. Умумий тилшунослик. –Тошкент:Ўқитувчи, 1972. – Б.15-19; Расулов Р. Умумий тилшунослик. - Тошкент: Фан ва технологиялар маркази, 2007. – С. 18-22; Равшанов М., Гулянова Н., Азизова С. История семиотики. Навоийский государственный горный институт, 2011. – С. 8-9; Гринев-Гриневич С.В., Сорокина Э.А. Основы семиотики. Учебное пособие. –М.: Наука, 2012. – С.12-19.

³ Катаев А.О. Языковой знак как категория философии, лингвистики и переводоведения. Вестник РУДН, серия Теория языка. Семиотика. Семантика. 2016. № 4. – С. 17-23.

⁴Сухачев Н.Л. О семиотике Ч.С.Пирса // Концепции языка в европейской философии. – Санкт-Петербург: Нестор-История, 2007. – С. 160-215; Моррис Ч.У. Основания теории знаков // Семиотика. Под ред. Степанова Ю.С. – М.: Радуга, 1982. – С.118-133.

⁵ Фердинанд де Соссюр. Курс общей лингвистики. – Екатеринбург: Изд-во Урал, 1999. – С. 67-84.;Слюсарева Н.А. Теория Ф.де Соссюра в свете современной лингвистики. – М.: Наука, 1975. – С.110.

олимлар қўллаб-қувватладилар⁶. Шунингдек, тилшуносликда билатералистик оқимга зид бўлган монологистик оқим ҳам шаклланди. Е.М.Галькина-Федорук, Л.О.Резников, В.З.Панфилов, Л.Заведовский, В.М.Солнцев каби тилшунослар бу оқимнинг вакиллари⁷. Лингвистикада монологизм ва билатерализмдан фарқланувчи, ўз номига эга бўлмаган яна бир оқим мавжуд. Бу оқимнинг қарашлари В.Волошинов, Н.Д.Арутюнова, А.А.Уфимцева каби тилшуносларнинг асарларида акс этган⁸.

Ўзбек тилшунослигида сўз ва матннинг белгилик (семиотик) хусусиятлари бўйича⁹ антропоцентризм методларига¹⁰ асосланган ҳолда тадқиқотлар амалга оширилмоқда.

Ҳозирги давр лингвистикаси олдида тил бирликлари, хусусан, сўзнинг белгили табиатини атрофлича ва чуқурроқ очиб бериш вазифаси турибдики, ушбу диссертация ана шунга хизмат қилади.

Тадқиқот мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация Қўқон давлат педагогика институтининг “Ўзбек тилининг системавий тадқиқи” мавзусидаги илмий-тадқиқот режаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади сўзнинг ифодаловчи ва ифодаланмиш томонларида белгиликнинг воқеланиш хусусиятларини аниқлаш ва шу асосда сўзнинг белгили табиати ҳақидаги мавжуд концепцияларга янгиликлар киритишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

сўзнинг белгили табиати ҳақидаги қарашларнинг вужудга келиш ва ривожланиш омиллари, хусусиятларини аниқлаш;

сўзнинг белгили табиатини чуқурроқ ўрганиш мақсадида уни бошқа турдаги белгилар билан таққослаш ва ўхшашлик-фарқлиликларни изоҳлаш;

лексик ифодаловчини белги сифатида шакллантирувчи фонетик хусусиятларни ўрганиш, сўз товуш томонларининг қайси белги турига мансублигини кўрсатиш;

⁶Нурмонов А. Лингвистик белги назарияси. – Тошкент: Фан, 2008. – Б. 14-15.

⁷Резников Л.О. Неопозитивская / гносеологическая и знаковая теория // Вопросы философии. 1962. № 2. С.100-104; В.З.Панфилов. Философские проблемы языкознания. – М.: 1977. № 2. – С. 80-84; Солнцев В.М. Языковой знак и его свойства // Вопросы языкознания. 1977, № 2. – С. 15-27.

⁸Арутюнова Н.Д. О минимальных единицах грамматической системы // Единицы разных уровней грамматического строя языка и их взаимодействие. – М., 1969. – С. 44-45.

⁹Миртожиев М. Товушлардаги маънолар. – Тошкент: Ўзбекистон, 1982. – 24 б.; Нурмонов А. Лингвистик белги назарияси. – Тошкент: Фан, 2008. – 47 б.; Ҳақимов М. Ўзбек тилида матннинг прагматик тадқиқи. Фил.фан докт...дисс.автореферати. – Тошкент, 2001. – 49 б.; Ҳақимов М. Ўзбек прагматингвистикаси асослари. – Тошкент: Академнашр, 2013. – 172 б.; Сафаров Ш. Прагматингвистика. – Тошкент: Ўзбек миллий энциклопедияси. Давлат миллий нашриёти. 2008. – 235 б. ; Сафаров Ш. Семантика. – Тошкент: Ўзбек миллий энциклопедияси. Давлат миллий нашриёти, 2013. – 340 б.; Боймирзаева С.Ў. Ўзбек тилида матннинг коммуникатив-прагматик мазмунини шакллантирувчи категориялар. Фил.фан докт...дисс.автореферати. – Тошкент, 2010. – 49 б.

¹⁰Маҳмудов Н. Тилнинг мукамал тадқиқ йўллари излаб... // Ўзбек тили ва адабиёти. 2012, 5-сон. – Б.13-15; Худойберганава Д.С. Ўзбек тилида бадиий матннинг антропоцентрик тадқиқи. Фил.фан докт...дисс.автореферати. – Тошкент: 2015. – 102 б.; Бозоров О., Раҳимова М. Тилни тадқиқ этиш: лингвоцентризм ва антропоцентризм // Нутқ маданияти ва ўзбек тилшунослигининг долзарб масалалари. Филология фанлари доктори, профессор А.Нурмонов хотирасига бағишлаб ўтказилган Республика илмий-амалий анжумани материаллари. – Андижон: 2018. – Б. 3-6.

икки товушли сўзлар асосида фонемаларнинг номема яшаш имкониятларини аниқлаш;

сўз ифодаланмишларининг белги мақомига эгалигини антоним, синоним, градуоним каби сўз парадигмалари асосида исботлаш;

сўзнинг лисоний бирлик ва белгилик мақомларини фарқлаб бериш.

Тадқиқотнинг объектини онг (тафаккур) фаолияти билан боғлиқ бўлган белги турлари тизими ташкил этади.

Тадқиқотнинг предмети белгилик хусусиятига эга бўлган мустақил ва оралиқ (тақлид, ундов, модал) сўзлардир.

Тадқиқот усуллари. Диссертация мавзусини ёритишда тавсифлаш, системавийлик, компонент таҳлил, зидлаш ва таққослаш усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилар билан белгиланади:

белги ва унинг турлари ҳақидаги қарашлар тараққиётини аниқлаш орқали сўзнинг белгилик мақоми очиб берилган;

фонетик ҳодисаларнинг акустик белги структурасидаги вазифасива лексик-акустик белгиларнинг семиотик белгига муносабати аниқланган;

лексик ифодаланмишларнинг архисема, интеграл сема ва семемалар асосида боғланиши, белги вазифасини бажариши, белгиларнинг бевосита, билвосита, кучли, кучсиз турлари очиб берилган;

фонемаларнинг интеграл ва дифференциал белгилари, бирикиш имкониятлари, фонологик оппозициялар ташкил этиши асосида семиотик мақомдаги лексик номемалар ясаши исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

илмий изланишлар натижасида лингвистика ва семиотиканинг моҳиятан бир, умумийлик-хусусийлик мақомидаги фанлар эканлиги асосланган;

билатералистик ва монологистик концепциялардан фарқланувчи концепция афзаллигининг эътироф этилиши ва унинг ривожлантирилиши натижасида лисоний белги моҳиятининг атрофлича ва чуқурроқ очиб берилишига эришилган;

лексик сатҳ бирликларининг белгили табиатини ёритиш орқали тилнинг бошқа сатҳ бирликларига ҳам шундай ёндашиш имконияти борлиги кўрсатилган;

ифодаловчи ва ифодаланмиш муносабатларининг лингвосемиотик жиҳатдан очиб берилиши лисоний бирликларнинг шаклий-маъновий томони ҳақидаги мавжуд қарашларни такомиллаштирган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги диссертация муаммосининг ўрганиш объектива предмети табиатига мос равишда қўйилганлиги, назарий манбалардан танқидий фойдаланилганлиги, методология ва методларнинг мақсадга мувофиқ танланганлиги, сўз структураси, ифодаловчи ва ифодаланмишнинг сўнгги лингвистик назариялар асосида таҳлил этилганлиги, муаммони очиб беришда тарихийлик тамойили ҳам ҳисобга олинганлиги, сўзнинг виртуал ва актуал ҳолатларига эътибор берилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти лингвосемиотиканинг таркибий қисми бўлган лексикосемиотика соҳасининг ривожлантирилганлиги, сўзнинг белгили табиати ҳақидаги билатералистик ва монологистик концепциялардан фарқланувчи концепцияни тараққий эттиришга ҳаракат қилинганлиги, ифодаловчи ва ифодаланмишларнинг белгили табиати очиқ берилганлиги, лингвистика ва семиотиканинг ўзаро муносабати аниққўрсатилганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти диссертация материаллари ва хулосаларидан тил назарияси бўйича олиб бориладиган тадқиқотларда, умумий тилшунослик, лексикология ва лексик семантика, лингвосемиотика бўйича дарслик, қўлланмалар яратишда, сўзнинг белгили табиати бўйича махсус курс ва семинарлар ташкил этишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Сўзнинг белгили табиатини очиқ бериш бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида:

ҳозирги ўзбек адабий тилидаги *ай, ар-ар, аҳ, ва, во, эг, эз, эк, ил, ол* каби икки товушли сўзлар ва *гумбур, гуж-гуж, аланг-жаланг, ялт-юлт, оҳ, ҳорманг, гандон, сўзамол, нотиқ* каби номема-белгиларнинг ифодаланмиш (белгиланмиш) га муносабатларини изоҳлашга оид хулосалардан ФА-Ф8-034 рақамли «Ўзбек тили лексикаси ва терминологиясининг ривожланиш тамойиллари» фундаментал лойиҳа доирасидаги кўп жилдли «Ўзбек тилининг изоҳли луғати»ни тузишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг 2019 йил 21 январдаги 3/1255-133-сон маълумотномаси). Натижада бир қатор луғавий бирликларнинг лексикографик изоҳлари мукаммаллашган;

икки энантиосемик маънонинг бир номема ёрдамида хотирада сақланиши ва улар ҳам бир-бирига нисбатан белги бўлиб хизмат қилиши, *ёмон 1* – “ёқимсиз”, *ёмон 2* – “жуда ёқимли”, *қониқарли* – *қониқарсиз* – *яхши* – *аълоградуонимик* қаторидаги сўзларнинг бир-бирлари ҳақида хабар бериши мумкинлиги, ҳозирги ўзбек тилидаги *э, эҳ, о, оҳ* каби ундов сўзларда унлиларнинг қисқарувчан-чўзилувчан бўлиши, муайян ҳис-туйғунинг ижобий ва салбий жиҳатларини ўзининг турли микдорий ўзгаришларида кўрсата олиши, турли ситуацияларга хосланиб, ҳар хил ҳисларни ифодалай олиши ҳақидаги хулосалардан «Сўз маъно тараққиётида зиддият. Ўзбек тили энантиосемик сўзларининг изоҳли луғати» инновацион лойиҳасида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг 2019 йил 21 январдаги 3/1255-133-сон маълумотномаси). Натижада энантиосемик бирликларнинг семантикхусусиятларига аниқлик киритилган, энантиосемик бирликлар маъносининг изоҳи илмий асосланган;

Ўзбекистон миллий телерадиокомпаниясининг «Маданият ва маърифат» телеканалида узатилган “Тил зийнати” кўрсатувининг тил тараққиёти ва унинг ижтимоий аҳамиятига бағишланган сонидан тадқиқотчи томонидан тавсия этилган сўзларнинг шакли ва маъносини тавсифлаш, нутқий фаолиятдаги тежамкорликни изоҳлашга оид фикрлардан фойдаланилган (Ўзбекистон миллий телерадиокомпаниясининг 2018 йил 19 ноябрдаги 02-

16/537-сон маълумотномаси). Натижада айти кўрсатувларнинг илмий-оммабоплиги таъминланган ва янги манбалар билан бойитилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 14 та илмий-амалий анжуманда, жумладан, 5 та халқаро ва 9 та республика илмий-амалий конференцияларида маъруза шаклида апробациядан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича 26 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертацияларининг асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 4 та мақола, жумладан, 3 таси республика ҳамда 1 таси хорижий журналда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч асосий боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, умумий ҳажми 132 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг кириш қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси ёритилган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти ва предмети, илмий янгилиги, амалий натижалари тавсифланган; олинган натижаларнинг назарий ҳамда амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқотнинг жорий қилиниши, натижаларнинг эълон қилиниши, тузилиши ҳақида маълумот берилган.

Диссертациянинг биринчи боби **“Белги ва сўзга белги сифатида қарашнинг тараққиёти”** деб номланган. Ундаонг ва белги, семиотикада белги муаммоси, фалсафада сўзга белги сифатида қарашнинг вужудга келиши, лингвистикада сўз белгилиги назариясининг вужудга келиши ва тараққиёти масалалари тадқиқ этилган.

Белги дейилганда бир предметнинг бошқа бир предмет ҳақида хабар бериши тушунилади. Муайян предмет белги вазифасини шартли рефлекс ва ассоциация ҳодисалари асосида амалга оширади. Белгилар онгли мавжудотнинг табиат ҳамда ўзаро боғланишлари, муносабатларининг воситаларидир.

Психологияда шартли рефлекс¹¹, ассоциация¹² назарияларининг вужудга келиши, логика ва математика каби фанларда шартли (формал) белгилар қўллашга эҳтиёжнинг ошиб бориши, шунингдек, XIX асрнинг иккинчи ярмига қадар турли фанларда мавжуд бўлган белгилар ҳақидаги қарашларни умумлаштириш зарурати белги масалаларига жиддий ёндашишни талаб этди. Буни ҳис этган америкалик олим Ч.С.Пирс белги муаммоси бўйича тадқиқотлар олиб бориб, белгишунослик (семиотика) фанига асос солди ва бу фаннинг таянч тушунчаларини шакллантирди¹³. Шунингдек, тилшунос

¹¹Хомутов А.Е. Физиология высшей нервной деятельности. – Нижний Новгород, 2015. – С.25.

¹²Зинченко В.П., Мещеряков Б.Г. Большой психологический словарь. – М., 2008. – С. 57.

¹³Пирс. Ч.С. Из работы “Элементы логики” // Семиотика. Под ред. Степанова Ю.С. – М.: Радуга, 1983. – С.151-154; Абдурахмонова М. Чарльз Пирсининг семиотика ва прагматикага оид қарашлари. Тилшуносликнинг долзарб масалалари. – Тошкент: Академнашр, 2013. – Б. 64-67.

Фердинанд де Соссюр ҳам XX асрнинг биринчи чорагида белгилар ҳақидаги умумий фан бўлган семиологияни яратиш ғоясини илгари сурди¹⁴.

XX асрнинг 30-йилларида яна бир америкалик олим Ч.Моррис белгишунослик фанини яратишга эришди. У белги ситуациясини тавсифловчи семиозис назариясини шакллантирди, шунингдек, белги ўрганилишидаги семантик, синтактик, прагматик каби аспектларни ажратди¹⁵. Ч.Моррис белгишунослик ва тилшуносликнинг бир моҳиятли, умумийлик-хусусийлик мақомидаги фанлар эканлигини эътироф этди. Буни тилни шартли белгилар системаси ҳисоблаган Ф.де Соссюр ҳам қўллаб-қувватлаган.

Семиотикада белги турлари ва хусусиятлари уларнинг таснифлари орқали ўрганилган ва ўрганилмоқда. Хусусан, Ч.Пирс белгиларнинг иконик, индекс, символ турларини ажратган¹⁶. Иконик белги у кўрсатаётган предмет билан моддий томондан ўхшашликка асосланади. Масалан, ҳайвон ва унинг расми, ҳайкал ва тарихий шахс каби. Индекс белгининг муҳимхусусияти сифатида унинг кўрсатувчилик квазифаси олинади: тутун оловни кўрсатади, истима касалликка ишора қилади каби. Символ белги белги ва белгиланмиш орасида ўхшашликнинг йўқлигига асосланади: юлдузнинг номи ва ўзи каби. Бу ўринда шуни айтишимиз мумкинки, Пирснинг белгини аниқлаши мукамал эмас. Унинг таснифи муайян муҳим белги асосида амалга оширилмаган. Шунинг учун белги турлари ўзаро аниқ оппозитив муносабатлар орқали боғланмайди. Буни ҳисобга олган Д.П.Горский белгиларни Ч.Пирс каби учга эмас, балки икки гуруҳга ажратади: а) ўзлари кўрсатаётган предметлар билан сабабий (детерминатив) боғланишга эга бўлган белгилар; б) ўзлари кўрсатаётган предметлар билан сабабий боғланишга эга бўлмаган белгилар¹⁷. Профессор А. Нурмонов ҳам бу қарашни ёқлайди. Унинг фикрича, белгилар қуйидагича таснифланиши лозим: а) ўзлари кўрсатаётган предметлар билан мотивланган белгилар; б) ўзлари кўрсатаётган предметлар билан мотивланмаган белгилар¹⁸. Семиотиканинг замонавий тадқиқотчиларидан бири А.Соломоник белгиларнинг қуйидаги типларини кўрсатади: табиий, образли, лисоний, ёзув системаси, ўзгармас ва ўзгарувчан қийматли формал системалар¹⁹. Албатта, белги ва белги турлари ҳақидаги бу каби қарашлар сўзнинг белгили табиатини ўрганиш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Сўзга белги сифатида қарашнинг илдизлари антик даврга бориб тақалади²⁰. Бу давр файласуфлари онг ва борлик, тил ва тафаккур ҳақида фикр юритганларида сўзнинг белгилиги масаласига ҳам бевосита ёки

¹⁴Фердинанд де Соссюр. Курс общей лингвистики. – Екатеринбург: Урал, 1999. – С. 74.

¹⁵Моррис Ч.У. Основания теории знаков // Семиотика. Под ред. Степанова Ю.С –М.: Радуга, 1983. – С.47.

¹⁶Якобсон Р. В поисках сущности языка // Семиотика. – Москва: Радуга, 1983. – С.104; Нурмонов А. Лингвистик белги назарияси. – Тошкент: Фан, 2008. – Б. 8.

¹⁷ Горский Д.П. Логика. – М.: 1963. – С. 14-15.

¹⁸Нурмонов А. Лингвистик белги назарияси. – Тошкент: Фан, 2008 – Б. 6.

¹⁹ Соломоник А. Философия знаковых систем и язык. – Минск: МЕТ, 2002. – С. 131-133.

²⁰Гринев-Гриневич С.В., Сорокина Э.А. Основы семиотики. Учебное пособие. – М.: Наука, 2012. – С.12-19; Равшанов М. Гулянова Н. Азизова С. История семиотики. Навоийский государственный горный институт, 2011. – С. 8-9; Расулов Р. Умумий тилшунослик. – Тошкент: Фан ва технологиялар маркази, 2010. – Б. 18-22; Усмонов С. Умумий тилшунослик. – Тошкент: Ўқитувчи, 1972. – Б.15-19.

билвосита тўхталиб ўтганлар. Бу, аввало, ном (исм, от) ва предмет муносабати ҳақидаги фикрларда кўринади. Ушбу муносабатни аниқлашда икки хил қараш вужудга келган. Файласуф Сократ ва унинг тарафдорлари ном ва предмет орасида мослик, тўғри муносабат борлиги, яъни предметга ном унинг бирор табиий хусусиятини ҳисобга олган ҳолда қўйилганлигини айтсалар, файласуф Гераклит тарафдорлари буни рад этишади. Уларнинг фикрича, ном предметга эркин, ихтиёрий, шартли, ўзаро келишув асосида қўйилган. Шунинг учун ном ва предмет орасида табиий боғланиш, мотивация йўқ²¹. Бу икки қараш асосида шаклланган аналогистик (ном ва предмет орасида табиий боғланиш бор деювчилар) ва аномалистик (ном ва предмет орасида табиий боғланиш йўқ деювчилар) орасидаги баҳс ҳозирга қадар давом этмоқда. Сўз ва предмет муносабатига аналогистик қараш ҳозирги даврда фоносемантика ва ономотепия (таклид сўзлар) назарияларида кўзга ташланади²².

Ном ва предмет муносабатига аналогистик қараш ҳар бир тил, хусусан, ўзбек тили мисолида ҳам учрайди. Масалан, таклид, ундов сўзларда мотивланганликнинг борлиги, кишиларга Ортиғали, Қўшмоқбой, Анорхон деб исм беришлар, чақалоқларга унли, сонор, жарангли товушлар иштирок этган гўзал исмлар қўйишга ҳаракат қилиш ва ҳ.к. Ўз-ўзидан тушуниладик, предмет ва ном орасидаги табиий боғланишга эътибор бериб ном қўйиш тил пайдо бўлишининг дастлабки босқичида етакчи бўлган. Ундан кейинги даврларда ижтимоий онг тараққиёти натижасида вужудга келган тушунчалармикдорининг узлуксиз кўпайиб бориши кишиларнинг табиий боғланишли номлардан шартли боғланишли номларга ўтишлари учун сабаб бўлган. Ҳозирги тилларда шартли номлар етакчи бўлиб, улар тил лексик системасининг табиатини белгилайди.

Сўз ифодаловчи ва ифодаланмиш томонлар бирлигидан иборат. Одатда, сўзнинг товуш томони ифодаловчи сифатида тушунилса, маъно, тушунча, предмет ифодаланмишлар сифатида эътироф этилади. Шундай экан, сўздаги бу таркибий қисмларнинг белгиликка муносабатини аниқлаш зарурати туғилади. Ана шу зарурат Ф. де Соссюрни сўзнинг белгили табиати ҳақидаги назарияни яратишга ундаган.

Ф де Соссюрнинг айтишича, сўзда унинг товуш томони талаффузи образи (қандай айтилиши ҳақидаги маълумот, қолип) ва сўз алоқадор бўлган предметнинг инъикоси ҳисобланувчи тушунча бор. Ана шу акустик образ ва тушунча сўзнинг борлигини ташкил этади. Бунда тушунча ва товуш образи бир варақнинг икки томонидай жипсликка эга. Шунинг учун, яъни товуш образи тушунчадан ажралмаганлиги сабабли товуш томоннинг ўзи тушунчага нисбатан белги бўла олмайди. Товуш томон тушунча билан бириккан ҳолатдагина, аникроғи, сўз бутунлигича белгидир²³. Кўриниб турибдики, бунда Ф.де Соссюр, аслида, сўзнинг тушунча томонини

²¹Усмонов С. Кўрсатилган асар. 1972. – Б.15-19; Расулов Р. Кўрсатилган асар. 2010. – Б. 18-22.

²²Қабилова З. Ўзбек тилининг фоносемантик воситалари. Фил.фан номз...дисс.автореферати. – Тошкент, 2008. – Б. 44-84.

²³Фердинанд де Соссюр. Курс общей лингвистики. – Екатеринбург: Урал, 1999. – С. 71-72.

предметга нисбатан белги ҳисобламоқда. Товуш томонга эса тушунчага ёпишиб турган ёрдамчи элемент сифатида қарамоқда. Шу асосда сўзнинг бир қисми бўлган тушунчанинг белгилиги бутун сўзнинг белгилиги деб эътироф этилмоқда. Бу ўринда синекдоха асосидаги номлаш юз берган, яъни қисм номи (тушунча) учун бутун номи (сўз) қўлланган. Кўриниб турибдики, Ф. де Соссюр ўз қарашида акустик образ билан тушунча томоннинг боғланиш ҳолатини, кучини муҳолафлаштирмоқда. Бунинг асосизлигини, аввало, Соссюрнинг ўзи томонидан товуш томон ва тушунчани икки хил предмет сифатида зид қўйилишида кўрамиз. Аслида, акустик образ ва тушунча табиатан ҳар хил психик ҳодисалардир. Сўздаги товуш томон ва тушунча (маъно)нинг нисбий мустақиллигини товуш томонга хос бўлган ранг-баранг фонетик ўзгаришларда ва маъно томонга алоқадор бўлган семантик ўзгаришлар, тараққиётда кўришимиз мумкин. Сўздаги товуш ва маъно томонларнинг нисбий мустақиллиги, айниқса, чет тили сўзларини ўрганишимизда, ўз тилимизда бирор нарсанинг номини билганимиз ҳолда ўзини эсдан чиқарганимиз ёки ўзини билганимиз ҳолда номини эсдан чиқариб қўйганимизда, шунингдек, кўп тилларни билувчи кишининг бир маъно учун кўп номларга эга бўлишида кўринади.

Соссюр ўз назариясида белги (сўз) ва предмет орасидаги алоқанинг эркинлиги, мотивацияга эга эмаслиги, белги (сўз) тузилишининг чўзиқ, чизиксимон эканлиги ҳақида ҳам фикрлар билдиради²⁴. Ҳозирга қадар булардан эркинлик масаласига муайян даражада эътибор берилган бўлса ҳам, сўзнинг чизиксимон структурасини семиотик жиҳатдан ўрганиш эътибордан четда қолиб келмоқда.

Соссюрнинг сўзга яхлитлигича белги сифатида қараши асосида билатеристик оқим вужудга келди. Бу оқимни Ж.Вандриес, Э.Сепир, Л.Ельмслев, Л.Блумфильд, Б.А.Серебренников, И.П.Сусов, А.Нурмонов каби олимлар қўллаб-қувватладилар.

Тилшуносликда сўзнинг белгили табиати ҳақидаги билатералистик қарашга зид бўлган монолетаристик оқим ҳам шаклланди²⁵. Бу оқимнинг йўлбошчиси В.М.Солнцев фикрича, сўзда унинг товуш томони маъно (тушунча) томонига нисбатан белгидир²⁶.

Монолетаристик оқим белгини тор тушунади. В.М.Солнцевнинг айтишича, фақат шартли белгиларнигина белги ҳисоблаш керак, шунинг учун сўз бутунлигича белги бўла олмайди. Бунинг сабаби сўзнинг маъносиўз предмети билан инъикосий, шартсиз, ўхшашлик асосидаги боғланишга эга. Ушбу фикрга қўшилиб бўлмайди. Зеро, белгининг энг муҳим хусусияти, шартли-шартсизлигидан қатъий назар, унинг бошқа нарсани кўрсата олишидир. Бу хусусият шартсиз белгиларда ҳам, шартли белгиларда ҳам мавжуд. Шунинг учун белгини, Ч.Пирс айтганидек, кенг тушунганимизмаъкул. Е.М.Галькина-Федорук, Л.О.Резников, В.З.Панфилов,

²⁴Фердинанд де Соссюр. Кўрсатилган асар. – С. 73.

²⁵Нурмонов А. Лингвистик белги назарияси. – Тошкент: Фан. 2008. – Б. 14-15.

²⁶Солнцев В.М. Язык как системно-структурное образование. – М., 1974. – С. 95.

Л.Заведовский каби олимлар монолетаристик оқимни қўллаб-қувватладилар²⁷.

Лингвистикада монолетаристик ва билатералистик оқимдан фарқланувчи яна бир оқим мавжуд. Бу оқимнинг қарашига кўра, сўзда товуш томон ҳам, маъно томон ҳам нисбий мустақил белгилардир. Бу оқимни В.Волошинов, Н.Д.Арутюнова, А.А.Уфимцева каби тилшунослар ёқлайдилар. Биз ана шу тезис тарзида айтилган, ҳали ўз номига эга бўлмаган қарашни қўллаб-қувватлаймиз ва уни ривожлантиришга ҳаракат қиламиз.

Маълумки, сўз ўзининг лисоний (виртуал) ва нутқий (актуал) босқичлардаги ҳолатларига эга²⁸. Сўзнинг лисоний (хотирадаги) ҳолатида абстракт товуш образи абстракт маънога нисбатан белги (кўрсаткич) бўлиб туради. Нутқ босқичида эса абстракт товуш образи реал товушга, абстракт маъно конкрет нутқий тушунчага айланади²⁹. Бундай ҳолатда тингловчи учун реал товуш реал предметнинг белгиси бўлиб хизмат қилади.

Юқорида эслатилганидек, лингвистикада билатералистик оқим таъсирида тил бирлиги мақомидаги сўз билан белги мақомидаги сўз фарқланмай қолмоқда. Бунинг натижасида тил бирлиги бўлган сўзнинг хусусиятлари янглиш тарзда белги мақомидаги сўзга тиркалмоқда.

Сўз тил бирлиги сифатида ўз борлиги (нималардан ташкил топганлиги, яъни товуш томони ва маъноси) билан тил системасидаги фонема, морфема, гап каби лисоний бирликларга зид қўйилади. Тил бирлиги мақомидаги сўзнинг маъно томони лексикология ва лексик семантика (семасиология)да ўрганилмоқда.

Сўзга белги сифатида қаралганда унинг товуш томони ва маъносига белги-белгиланмиш муносабати нуқтаи назаридан эътибор берилади. Бунда товуш томон (номема) маъно томон (семема)га белги бўлиб турганлиги ҳисобга олинади. Аслида, барча икки жиҳатли (ифодаловчи-ифодаланмишли) тил бирликлари белги-белгиланмиш муносабати қолипига эга. Ҳозирга қадар сўзнинг белги ҳисобланувчи номема томони ва унинг ўз маъно (семема)сига муносабати жиддий ўрганилмаган. Номема структураси ва унинг семемага боғланиш хусусиятларини ўрганиш лингвосемиотика таркибида шаклланаётган лексикосемиотиканинг долзарб масалаларидир.

Диссертациянинг иккинчи боби **“Сўзда товуш томон ва унинг белгилиги”** деб номланган бўлиб, ундасўз товуш томонининг субстанционал-семиотик хусусиятлари, икки товушли сўзларда ифодаловчи структураси, ифодаловчиларда белги турлари манифестацияси каби масалалар ёритилган.

Сўзнинг товуш томони субстанционал-семиотик жиҳатдан ҳам ўрганилиши мумкин. Бунда номеманинг акустик структурасига³⁰ ва унинг белги бўлиб қўлланишга қай даражада мослаштириб тузилганлигига эътибор берилади.

²⁷Нурмонов А. Кўрсатилган асар. 2008. – Б.14.

²⁸Нурмонов А. Лисоний белги хусусиятлари ҳақида. – Андижон, 1992. – Б. 21.

²⁹Солнцев В.М. Кўрсатилган асар. – С. 107.

³⁰Нурмонов А. Кўрсатилган асар. 1992. – Б. 20.

Ҳозирга қадар бўлган тилшуносликда, юқорида эслатилганидек, сўзнинг товуш томони бўлган номема бир бутун ҳолатда ўрганилмади. Унинг таркибий қисмлари бўлган фонемалар ва уларнинг талаффуз хусусиятлари диққат марказида бўлди. Бу ёндашувда сўз товуш томонининг ўз қўлловчиси (сўзловчиси), тингловчига ва маъносига бўлган муносабатлари жиддий ҳисобга олинмади. Зеро, бу муносабатлар фонология/фонетиканинг эмас, балки тил бирликлари талқинида инсон (сўзловчи, тингловчи) омилини ҳисобга олувчи антропоцентрик тилшуносликнинг белги назариясига алоқадор масалалардир. Бунда сўзловчининг номемани нима учун шу шаклда яратганлиги, у ўз маъноси билан қандай боғланганлиги каби саволларга жавоб олинади. Ўз-ўзидан тушуниладики, сўзнинг товуш томонига бундай ёндашиш прагматик тадқиқот ҳисобланади.

Сўзнинг товуш томонига белги нуқтаи назаридан ёндашилганда сўз номемасининг фонематик структураси (тузилиши), бу структурани яратишда унинг акустик белгилик хусусиятлари, яъни номемани белги сифатида айтишдаги тежамкорлик, ўнғайлик, узатилиш кучи, аниқлик, таъсирчанлик, қабул қилувчи (тингловчи)нинг эшитиш имкониятлари қай даражада ҳисобга олинганлиги каби омилларга эътибор берилади.

Сўзнинг товуш томони ёки лексик акустик белги қўлланишида унли ва ундош товушлар³¹ ўзларига хос вазифаларга эга. Хусусан, унли товушлар тўсиқларсиз ҳосил қилинганлиги учун уларда чўзилиш-қисқариш, йўғонлашиш-ингичкалашиш, қаттиқлашиш-юмшоқлашиш, баландлаш-пастлаш, турли тусларга кириш (товланиш) имкониятларга эгаки, булар лисоний акустик белгининг эстетик жиҳатини шакллантириш, модал муносабат кўрсатиш, асосий хабардан ташқари қўшимча хабарларнинг ҳам юборилишига хизмат қилади. Унлиларнинг ўзларига ундошларни бириктириш имкониятига эгаллиги номема-белгилар миқдорининг оширилишига ёрдам беради. Ундошларнинг сирғалиш, портлаш, портлаш-сирғалиш билан боғлиқ акустик хусусиятлари фонетик белгини ранг-баранг қилиш ва шу йўл билан уни қабул қилувчи (тингловчи)нинг диққатини сусайтирмаслик, сезгирлигини ошириб туришга хизмат қилади.

Сўзларда бўғин ва урғу ходисаларининг вужудга келиши ҳам, аслида, кўп товушли сўзларни қийналмай айтиш, сўз-белги қисмларини аниқ талаффуз қилиш каби семиотик (белгилик) эҳтиёжлар билан боғлиқдир.

Ҳозир фонетикада ўрганилаётган товуш ўзгаришларига белги жараёни, белги соҳиби (сўзловчи) ва уни қабул қилувчи (эшитувчи) эҳтиёжларини ҳисобга олиб, антропоцентрик, семиотик асосда тавсиф бериш даври келди. Масалан, III шахс кишилиқ олмоши “у” га чиқиш келишиги “-дан” аффикси қўшилганда, лексик асос (“у”)дан сўнг бир *n* товуши орттирилади. Бунинг сабаби ушбу сўз-шаклдаги энг муҳим, яъни асосий маъно англатувчи “у” учинчи шахс олмошининг урғусиз ўринда туриб қолганлиги, билинар-билинемас айтилиш ва натижада тингловчига аниқ етиб бормаслик хавфи туғилганлигидадир. Сўзловчи бу хавфни олдиндан бартараф этиш учун асос

³¹ Абдуазизов А. Ўзбек тили фонологияси ва морфонологияси. – Тошкент: Ўқитувчи, 1992. – Б. 19.

“у” ни чиқиш келишигидан “н” товуши билан бир бўғин сифатида ажратиб олади ва шу йўл билан уни бўғин ўртасида қаттиқроқ, аниқроқ талаффуз этишга ҳаракат қилади. Демак, “н” товуши орттирилиши сўзловчи ва тингловчи орасидаги акустик белги жўнатиш ва уни қабул қилиш ҳолатлари билан боғлиқ.

Диссертацияда икки товушли сўзлар ифодаловчиларининг тузилиши тажриба сифатида ўрганилди ва шу асосда айрим субстанционал-семиотик хулосалар чиқарилди. Бунда ҳозирги ўзбек адабий тилида икки товушли сўзларнинг нечта эканлиги, сўз тузилишида фонемаларнинг иштирок этиш даражаси, уларнинг сўз боши, охирида неча марта қўлланганлиги ва буларнинг семиотик сабабларини изоҳлашга ҳаракат қилинди. Масалан, ў товуши сўз бошида 24 марта, э товуши сўз бошида 12 марта қўлланган бўлиб, бошқа товушларга нисбатан препозицияда етакчилик қилмоқда. Бизнингча, бунинг сабаби уларнинг оғизнинг ташқи томонида, лаблар артикуляцияси зонасида талаффуз этилаётганлигидир. Бу ўринда лаблар кучли думалоқланиш (ў) ва кучли яссиланишга (э) эга. Бундай тарзда ҳосил қилинган ў ва э товушлари тингловчига кучли ҳолатда аниқ, равшан етиб боради.

Сўзларнинг товуш томонлари маъноларига нисбатан белги мақомида бўлиб, ҳар хил белги вазифасини бажаради. Хусусан, тақлид сўзнинг товуш томони ўз ҳодисаси (денотати) билан юқори даражадаги ўхшашликка эга. У, аслида, тақлид сўз-гапнинг лексикализациясинатижасида вужудга келган: Гумбур! → “гумбур”. Демак, “гумбур” сўзи ўз воқелигининг нусхаси, ўхшаши бўлганлиги учун иконик белгидир. Ундов сўзларнинг товуш томонлари улар ифодалаган ҳислар билан ўхшашликка эга эмас. Шунга қарамай, ундов сўзларнинг товуш томони ўзининг турлича айтилишлари асосида ҳис-туйғуларнинг ҳар хил даражалари, турларини ҳосил қилади, аниқроғи, шуларнинг ҳосил қилинишига восита бўлиб хизмат қилади. Шунинг учун уларда, бир томондан, ўзлари алоқадор бўлган ҳис билан ўхшаш эмаслик, иккинчи томондан, товуш томон шаклланиши учун воситалик мотивацияси (боғланиш) и бор. Шуларни ҳисобга олиб, ундов сўзларнинг ифодаловчиларини иконик-символ белги ҳисоблаш мумкин.

Олмош туркумида индекс белгилик турли ҳолатларда намоён бўлади³².

Мустақил, модал, ёрдамчи сўзларнинг товуш томонлари (айрим жузъий ҳолатларни ҳисобга олмаганда) символ белгилардир. Бу белгиларнинг субстанционал-семиотик хусусиятлари ва уларнинг ўз маънолари билан боғланишидаги симметрия-асимметрия муносабатларни ўрганиш алоҳида тадқиқотни талаб этади.

Диссертациянинг учинчи боби **“Сўзда мазмун томон ва унинг белгилиги”** деб номланган. Унда ифодаланмишларнинг мазмун турлари ва уларнинг белгилик имкониятлари, лексик-семантик парадигмалар ва уларда маънонинг белгилиги масалалари тадқиқ этилган.

³²Маҳмудов Н. Эргаш гапларнинг табиати ва таснифи масаласи // Ўзбек тили ва адабиёти. 1991. № 3. – Б. 18; Ҳақимов М. Ўзбек прагматингвистикаси асослари. – Тошкент: Академнашр, 2013. – Б. 46-47.

Сўзнинг ифодаланмишларини референт (денотат), тушунча, маъно ташкил этади³³. Булар орасида инъикосий боғланиш бор. Бу психоллингвистик тизимнинг шаклланишида образ катта аҳамиятга эга. Буни ҳам ҳисобга олсак, ифодаланмишлар орасидаги генетик боғланиш қуйидагича бўлади: референт → образ → тушунча → маъно.

Сўз референтлари ҳисобланган объектив олам предметлари ўзаро бевосита ёки билвосита табиий боғланишларга эга. Ана шу боғланишлар асосида образ, тушунча, маъноларнинг ўзаро боғланиши шаклланган. Бу улардан бирининг бошқаси учун белги бўлиб кела олиш имкониятларини беради. Масалан: “она” ва “бола” тушунчаларининг белгилик имкониятлари уларнинг реал оламда ўзаро табиий-биологик боғланишга эгаликлари билан боғлиқдир.

Образ кўриш, эшитиш, ҳид билиш, таъм сезиш ва тери-туйғу сезгилари ёрдамида ҳосил қилинган бир предметнинг турли хусусиятларини идрок воситасида бирлаштириш (бутунлаштириш) йўли билан ҳосил қилинади³⁴. Шу йўл билан предметнинг онгда ҳосил қилинган образи билан унга алоқадор сезги хусусиятлари орасида ҳам боғланиш бўлиб, бу уларнинг бири-бирига нисбатан белги бўлишлари учун хизмат қилади. Шўрваннинг аччиқлиги қалампирни эсга туширади, қалампирни кўриб, аччиқ ёдимизга келади. Идрок ёрдамида ҳосил қилинган предмет образи тасаввур, ҳаёл орқали хотирада сақланиб қолади ва зарурият бўлганда қайта эсланади. Бу эса образни таҳлил қилиш, бошқа образ билан таққослаб ўрганиш учун имконият яратади.

Одам предметни образ орқали билишга, нималардан ташкил топганлигини англашга ҳаракат қилади. Бунинг учун бир образ (предмет) бошқа образ (предмет) билан таққосланиши лозим. Таққослашни бир белги (хусусият) асосидагина амалга ошириш мумкин. Шу зарурат асосида образ (предмет) қисмларга, узвларга, хусусиятларга ажратила бошлайди. Ушбу йўл билан муайян предметнинг белгилари (хусусиятлари) бошқа предметнинг белгилари билан таққослана бошлайди³⁵. Бу йўл билан икки образ (предмет)нинг ўхшашлиги ва фарқчилиги аниқланади. Қиёсдаги бир хил белгилар ўхшашликни, ҳар хил белгилар фарқлиликни кўрсатади. Шундай қилиб, ҳар бир образ бошқа образлар билан ўхшашлик-фарқлилик муносабатида, боғланишда бўлади. Ана шу боғланиш бир образнинг иккинчиси учун белги бўла олишини таъминлайди. Образлар эмпирик (ҳиссий) ва рационал (ақлий, ҳаёлий, бадиий) бўлиши мумкин.

Муайян психик образнинг муҳим белгилари ажратиб олиниб, улар асосида предмет ҳақидаги умумий тушунча ҳосил қилинади³⁶. Тушунча образнинг абстрактлаштирилиши, буни тафаккур (фикр) ёрдамида амалга оширилганлиги учун у (тушунча) тафаккур бирлиги ҳисобланади.

³³Нурмонов А. Лингвистик белги назарияси. – Тошкент: Фан, 2008. – Б. 20

³⁴Геллнер Э. Слова и вещи. – М.: Изд-во иностранной литературы. 1962. – С. 344; Шмелев Д.Н. Слово и образ. – М.: Наука. 1964; Боймуродов Н. Амалий психология. – Тошкент: Янги аср авлоди. 2008. – Б. 116.

³⁵Ғозиев Э. Тафаккур психологияси. – Тошкент: Ўқитувчи. 1990. – Б. 30-33.

³⁶Ғозиев Э. Кўрсатилган асар. – Б. 54-55.

Тушунчаларнинг якка, умумий, айирувчи, тўлдирувчи, абстракт, конкрет, нисбатли, нисбатсиз, ижобий (мусбат), салбий (манфий), таққосланадиган, таққосланмайдиган, сиғишадиган, сиғишмайдиган, мос, қисман мос, бўйсунувчан, бўйсунмайдиган, аниқловчи, аниқланувчи каби турлари³⁷ бўлиб, булар ҳар бир тил лексик семантик тизимининг асосини ташкил этади. Тушунчалар ўзаро бевосита ёки билвосита боғлиқлиги учун бир-бирига нисбатан белги бўлиш имкониятига эга.

Абстракт даражаси пастроқ, муайян даражада конкретлик бўёғи мавжуд бўлган тушунчани хотирада сақлаб туриш қийин. Шунинг учун тушунчани янада абстракклаштиришга тўғри келади. Бунга камроқ аҳамиятга эга бўлган белгилар (хусусиятлар)ни тушунча таркибидан четлаштириш орқали эришилган. Шу сабабдан ҳам лингвистик адабиётларда маъно тушунчанинг қискартирилган шакли, нусхаси, мавҳум ҳолати, маъно тушунча асосида шаклланади каби фикрлар мавжуд³⁸. Тушунчанинг абстракт шакли (қолипи, нервдаги “из”и) бўлган маъно сўзловчи хотирасида сақланади ва ундан конкрет тушунчалар, тушунчалардан фикрлар (хукм, хулосалар) шакллантиришда фойдаланилади. Демак, маъно хотирада имконият (виртуал) ҳолатда турувчи, логик бирлик (тушунча)ни ҳосил қилувчи лисоний бирликдир³⁹.

Ҳозирги давр лингвистикаси лексик маънонинг генетик (бош), ҳосила, номинатив (денотатив, идеографик), фигурал, эркин, боғли каби турларини ҳамда уларнинг интеграл сема, дифференциал сема, архисема каби ташкил этувчи компонентларини эътироф этмоқда⁴⁰. Ўз-ўзидан тушуниладигани, ўзаро боғлиқ тушунчалардан ҳосил бўлган маънолар ҳам ўз боғланишлари асосида бир-бирига нисбатан белги бўла олади.

Сўзлар (лексемалар) киши хотирасида система ҳолатида мавжуд. Катта система бевосита ва билвосита боғланган кичик системалардан ташкил топади. Шундай кичик системалардан бири сўзларнинг лексик-семантик парадигмаларидир⁴¹. Лексик-семантик парадигмалар ўз ичида муайян миқдордаги лексик маъноларнинг ўхшашлик-фарқлилик⁴² асосидаги боғланишидан ҳосил бўлади. Бир лексик парадигма сўзларининг ўхшашлик, фарқлилик (зиддият) ассоциацияси асосида ўзаро боғланиши улардан бирининг бошқалари учун белги бўла олиш имкониятини беради.

Лексик бирликларнинг маънодошлик парадигмасида сўзлар ўзаро доминанта (нейтрал) маъноасосида ўзаро боғланиб, синонимик қаторни ташкил этади. Хусусан, *юз, бет, афт, башара, турқ, чехра, жамол, дийдор, ораз, узор, рухсор*⁴³ синонимик қаторидаги барча сўзлар юз доминанта

³⁷Кондаков Н.И. Логический словарь-справочник. – М.: Наука. 1975. – С. 456-460.

³⁸Миртожиев М. Ўзбек тили семасиологияси. – Тошкент: Mumtoz so'z, 2010. – Б 31.

³⁹Медникова Э.М. Значение слова и методы его описания. – М.: Высшая школа, 1974. – С. 15.

⁴⁰Миртожиев М. Кўрсатилган асар. – Б. 143-153.

⁴¹Собиров А.Ш. Ўзбек тилининг лексик сатҳини система сифатида тадқиқ этиш. Фил.фан.док...дисс.авторереферати. – Тошкент, 2005. – Б.27; Бердалиев А., Хидиров Р. Ҳозирги ўзбек адабий тили. - Хўжанд, 2013. – Б. 83-88.

⁴²Бозоров О. Ўзбек тилида даражаланиш. – Тошкент: Фан. 1995. – Б. 29.

⁴³Ҳожиев А. Ўзбек тили синонимларининг изоҳли луғати. – Тошкент: Ўқитувчи, 1974. – Б. 235.

сўзининг “одам бошининг олд қисми” семемали асосий (денотатив) ва кўшимча (коннотатив) маъноларига эга. Синоним сўзларнинг денотатив маъноси уларни бирлаштира, коннотатив маънолари бир-биридан фарқлайди.

Биз бир сўзнинг синонимини топмоқчи бўлганимизда, бу сўзнинг денотатив маъноси худди шундай денотатив маъноли сўзни хотирамиздан “топади” (у билан боғланади) ва бунинг натижасида иккинчи синоним сўз ёдимизга келади. Бунда биринчи сўзнинг денотатив маъноси иккинчи сўзнинг денотатив маъносини қидириш учун белги, топиш воситаси бўлиб хизмат қилади.

Синонимик қатор икки аъзодан ташкил топганда (масалан, *ёзувчи* ва *адиб*), белги-белгиланмиш муносабати икки вариантли, яъни *ёзувчи*→*адиб* ва *адиб*→*ёзувчи* йўналишларда бўлади. Кўп аъзоли, масалан, *юз* сўзи доминанта бўлган ўн бир аъзоли синонимик қаторда белги-белгиланмиш муносабати кўп вариантга эга: *юз*→*бет*, *юз*→*афт*, *юз*→*башара* ва ҳоказо. Бундай ҳолатларда кучли ва кучсиз белги-белгиланмиш муносабатлари ҳақида гапириш мумкин бўлади. Хусусан, *юз*→*бет* кучли, *юз*→*рухсор* кучсиз белги-белгиланмиш муносабатига эга. Умуман, айтиш мумкинки, синонимик қаторда икки ёндош сўз кучли, бир-биридан узоқроқ жойлашган синоним сўзларнинг белги-белгиланмишлик муносабати турли даражалардаги кучсизликларга эга. Синоним сўзларнинг ўз денотатив маънолари асосидаги белгилиги матн ҳосил қилиш имкониятларидан биридир.

Анъанага кўра, сўзларнинг антонимлик мезони сифатида зидлик муносабати асосга олинган⁴⁴. Масалан, *бормоқ* – “яқиндаги жойдан узоқдаги жойга ҳаракатланиб етмоқ”, *келмоқ* – “узоқдаги жойдан яқиндаги жойга ҳаракатланиб етмоқ”⁴⁵ каби. Аслида, антонимликнинг мезони зидлик эмас, балки фарқлилик бўлиши лозим⁴⁶. Шунда антонимияни аниқлашдаги етишмовчилик ҳам, бу билан боғлиқ белгилик масалалари ҳам ўзларининг тўғри ечимларига эга бўлади. Масалан, анъанага кўра, *кенжа* – *ўртанча* – *тўнғич* семантик қаторидаги *кенжа* – *тўнғич* жуфтлигигагина антонимия сифатида қаралади⁴⁷. Қолган жуфтликлар (*кенжа* – *ўртанча*, *ўртанча* – *тўнғич*) муносабатига баҳо берилмайди. Ҳолбуки, *кенжа-ўртанча-тўнғич* қатори фарқлиликлар асосида ташкил топган. Бу ерда *кенжа-тўнғич* кучли даражадаги фарқлиликка, қолганлари (*кенжа-ўртанча*, *ўртанча-тўнғич*) эса кучсиз даражадаги фарқлиликларга эга. Шунинг учун фарқлилик антонимия мезони сифатида қабул қилинса, биз юқоридаги семантик қаторнинг кучли ва кучсиз антонимик боғланишлардаги жуфтликлардан ҳосил бўлганлигини англаймиз. Албатта, турли даражалардаги фарқлиликлар ва зидликларга эга бўлган антонимик жуфтликларда белгилик, сўзларнинг бир-бирини кўрсатиш тезлиги ва аниқлиги турлича бўлади.

⁴⁴Шукуров Р. Ўзбек тилида антонимлар. – Тошкент: Фан, 1977. – Б.29.

⁴⁵Раҳматуллаев Ш., Маматов Н., Шукуров Р. Ўзбек тили антонимларининг изохли луғати. Ўқув қўлланма. – Тошкент: Ўқитувчи, 1980. – Б.56.

⁴⁶Бозоров О. Ўзбек тилида даражаланиш. – Тошкент: Фан, 1995. – Б. 31.

⁴⁷Раҳматуллаев Ш., Маматов Н., Шукуров Р. Кўрсатилган асар. – Б. 114.

Градуонимик сўзлар қаторининг ўзига хос хусусияти шундаки, унда сўзлар ўхшашлиги (синонимия) камайиб, фарқлилиги (антонимия) кучайиб боради. Тилшунос О.Бозоров томонидан тавсифланган *елвизак – шабада – шамол – бўрон – тўфон* градуонимик қаторда⁴⁸ белгилик ўзига хос тарзда намоён бўлади. Қатордаги сўзларўзаро қанча яқин, ораларидаги ўхшашлик қанча кўп бўлса, улар бир-бирига нисбатан шунча кучли белги вазифасини бажара олади. Хусусан, *елвизак* сўзи *шабадага* нисбатан кучли, *шамолга* нисбатан кучсиз, *бўронга* нисбатан янада кучсиз белги бўлиб хизмат қилади.

Жинс-тур, қисм-бутун, функционимик, тематик (мавзу)⁴⁹ ва бошқа турдаги лексик парадигмаларда ҳамда полисемия, омонимия, энантиосемия каби бир ифодаловчили лексик-семантик гуруҳларда белгилик ўзига хос хусусиятларга эгадир.

Ассоциатив лингвистиканинг⁵⁰ тараққиёти сўз ва бошқа тил бирликларининг белгили табиатини атрофлича ва янада чуқурроқ ўрганиш учун имкониятлар яратади.

ХУЛОСА

1. Предмет бошқа предмет ҳақида хабар бериши асосида белгилик мақомига эга бўлади. Белги мезони, турлари, сўзнинг белгилиги масалалари антик даврдан, грекларнинг натуралистик фалсафасидан ҳозирга қадар ўзларининг тадрижий тараққиётига эга. Белги муаммосининг ҳал этилишида лингвистика логика ва психология фанлари билан ҳамкорлик қилади.

2. Айрим олимлар белги мезони(кўлами)ни торайтиришиб, белги-белгиланмиш муносабатини фақат шартли боғланиш билан чегаралашиб, табиий ва образ белгиларни семиотик тизимдан чиқармоқчи бўладилар. Биз бу қарашни ёқламаймиз, зеро, белгиликнинг энг муҳим хусусияти, шартли-шартсизлигидан қатъий назар, бир предметнинг бошқасини кўрсата олишидир. Белги типлари (табиий, образли, тил, ёзув, формал) тизимида тил бирликлари, хусусан, сўз ўзига хос белгилик мақомига эга.

3. Фердинанд де Соссюрнинг сўз белгилиги назарияси асосида шаклланган билатеристик оқим қарашига кўра, сўз бутунлигича (товуш томон+тушунча) белгидир. Бу қарашда товуш томон белгилигининг рад этилиши, белгини аниқлашда сўзнинг виртуал ҳолатига эътибор берилмаганлиги, белги мақомидаги сўз билан тил бирлиги мақомидаги сўзнинг фарқланмаганлиги каби камчиликларга йўл қўйилган.

4. Сўзнинг белгили табиати ҳақида билатерализмга зид равишда шаклланган монолетаристик оқим қарашига кўра, сўзда товуш томонгина белгидир. Бу қарашнинг камчилиги белгини аниқлашда фақат шартли боғланиш билан чегараланганлик ва бунинг натижасида ўз белгиланмиши билан ўхшашлик муносабатида бўлган тушунча/маънони белги ҳисобламасликдир.

⁴⁸Бозоров О. Кўрсатилган асар. – Б.83

⁴⁹Сафарова Р. Лексик семантик муносабатнинг турлари. – Тошкент: Ўқитувчи. 1996. – Б.9.

⁵⁰Лутфуллаева Д. Э. Ассоциатив тилшунослик назарияси. – Тошкент: Meriys, 2017. – Б. 16

5. Тилшуносликда билатерализм ва монологтаризмга зид равишда яна бир оқим шаклланди. Ўз номига эга бўлмаган ва ўз қарашини тезис шаклида баён этган оқимнинг фикрига кўра, сўзда товуш томон ҳам, тушунча/маъно томон ҳам нисбий мустақил белгилардир. Бизнингча, бу оқимнинг қарашини сўзнинг белгилари табиатига мос келади ва бу қараш ривожлантирилиши лозим.

6. Сўзнинг белгилари табиатини ўрганиш тил бирлиги мақомидаги сўз асосида амалга оширилади. Бунда, аввало, тил мақомидаги сўз билан белги мақомидаги сўз фарқланиши лозим. Сўз тил бирлиги мақомида ўз борлиги (товуш томон+маъно) асосида фонема, морфема, гап каби тил birlikлари билан муносабатда (боғланишда) бўлади. Сўз белги мақомида турганида унинг борлиги (товуш+маъно) белги-белгиланмиш муносабатига (товуш томон → маъно, яъни товуш томон маъно учун белгидир) эга бўлади.

7. Сўз товуш томони (номема)нинг фонематик структураси асосида шаклланивчи конкрет товушлар асосида лексик акустик белгилар вужудга келади. Лексик акустик белгилар (номемалар)нинг кўплиги, хилма-хиллиги, полифункционаллиги унли ва ундош товушларнинг фонетик хусусиятларга бойлиги билан таъминланади. Кўп фонемали номема-белгиларни осонроқ ва аниқроқ айтиш эҳтиёжлари асосида бўғин ва урғу ҳодисалари вужудга келган. Акустик белги ҳосил қилиниши ва айтилишида товуш кучи, аниқлиги, тезлиги, таъсирчанлиги, ёқимли-ёқимсизлиги (эстетикаси), тингловчининг эшитиш имкониятлари, нутқ шароити каби омиллар ҳисобга олинади.

8. Лексик номемалар ўз ифодаловчиларига нисбатан ҳар хил белги вазифасини бажаради. Мустақил, ёрдамчи ва оралиқ лексик birlikлардан модал сўзларда товуш томонлар ўз маъноларига нисбатан символ белгилик хусусиятига эга. Улар ўз белгиланмишлари билан табиий, сабабий боғланишга эга эмас. Соф иконик белгилик тақлид сўзлар номемаларига хос. Уларда номема денотатнинг акси, нусхасидир. Ундов сўзнинг товуш томони турлича айтилиши билан ҳис-туйғу шаклланишига восита бўлади, иккинчи томондан, ўзи ифодаляётган ҳис билан ўхшашликка эга эмас. Шуларни ҳисобга олиб, ундов сўз номемасини иконик-символ белги ҳисоблаш мумкин. Индекс белгилик олмош сўз туркумида учрайди.

9. Сўзнинг товуш томонига алоқадор бўлган ифодаланмишларни референт (денотат), тушунча, маъно ташкил этади. Тушунча ва маъно референтдан инъикос асосида вужудга келган. Референт объектив оламдаги предмет бўлиб, у бошқа предметлар билан хилма-хил табиий боғланишларга эга. Ана шу боғланишлар унинг асосида шаклланиган тушунча ва маъноларнинг ўзаро боғланишига ва шу заминда бир-бирига нисбатан белги мақомида бўлишга имконият яратади.

10. Ҳар бир тилда мавжуд бўлган антонимия, синонимия, градуонимия, партонимия, гипонимия, функционимия каби лексик-семантик парадигмаларда сўзлар ўзаро архисема, интеграл сема ва семемалар асосида боғланган бўлади. Бу ифодаланмишлараро боғланишлар парадигма аъзоларидан бирининг бошқаси учун белги бўлишига хизмат қилади.

11. Сўздаги товуш ва маъно томонларнинг белгилиги асосида ассоциатив муносабат ётади. Ассоциатив муносабат тил бирликларидаги яқинлик, турли даржалардаги ўхшашликнинг мавжудлиги ва шу асосда бир-бири билан ўзаро боғлиқ бўлишидан ҳосил бўлади. Сўз белгилиги билан боғлиқ лексик ассоциация психик ассоциация асосида шаклланади.

12. Лингвистиканинг фундаментал муаммоси бўлган сўзнинг белгили табиатини атрофлича ва чуқур ўрганиш учун, аввало, ҳар бир миллий тил сўзлари товуш томон (номема)ларининг фонематик структурасини ўрганиш, унинг семиотик хусусиятларини аниқлаш, товуш томон ва маъно, маъно ва маъно, тушунча ва предмет орасидаги белги-белгиланмиш муносабатларни тадқиқ этиш, булар асосида белги турларини изоҳлаш лозим. Ушбу масалаларнинг ҳал этилиши лингвосемиотика таркибида шаклланаётган лексикосемиотиканинг тараққиёти учун хизмат қилади.

